

## Қарши филиалимиздаги сайёр дарс

2019 - йил 5 октябрь куни ТИҚХММИнинг Қарши филиали «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш» факультети 1 курс 109 - гурӯҳ талабалари учун «Умумтехник фанлар» кафедраси ўқитувчиси Ж.Уринов раҳбарлигида «Геодезия» фанидан «Давергеодезкадастр» қўмитасининг Қашқадарё вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида кўчма амалий машғулот ташкил этилди.

Машғулотни ўтишда бошқармадаги мавжуд замонавий геодезик асбоб ускуналардан фойдаланилди. Бошқарма мутахассиси Тўраев Сарвар ерлардан самаравали фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тушунчалар берди.



**Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**